

Пайарик шаҳри  
(контракт тузилган жой)

29 Июн 2022 й.  
(контракт тузилган сана)

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Пайариқ тумани ҳокимлиги номидан низом асосида фаолият олиб борувчи **З.А.Эргашев** бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи «Ускуна таъмир сервис» ХК номидан низом асосида фаолият олиб борувчи **З.Уралов** бошқа томондан, ушбу контрактни қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Стропила	дона	100	179 000	17 900 000
2	Болор 6 метрлик каттаси	дона	120	339 000	40 680 000
3	Рейка 3,5x4 лик	метр	1500	6 000	9 000 000
4					
5					
6					
7					
8					
9					
	жами				67 580 000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси **67 580 000** (олтмиш етти миллион беш юз саксон минг ) сўмни ташкил қилади

**Алоҳида шартлар**

1	Лицензия ва гувоҳнома булиши керак
2	Махсулот етказиб бериш шarti билан
3	
...	

**2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ**

2.1. "Буюртмачи" мазкур контрактни ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 30 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 20 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:



- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш.

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қайтариб килмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

#### 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 20- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

#### 4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдоридан жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

#### 4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган сумма белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз қучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.



5. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик да кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотиб олувчи»:	<b>«УСКУНА ТАЪМИР СЕРВИС» ХК</b>
Адрес:	Пайарик тумани Пайарик шаҳри
Х/Р:	20208000204990483001
МФО:	00282
ИНН:	302326042
ОКОНХ:	
Банк:	Самарқанд ш. АТБ Турон банк Самарқанд филиали
Раҳбар:	 3. Уралов

Ҳуқуқшунос

Лицензия (Диплом)


Берилган санаси: \_\_\_\_\_

«Сотиб олувчи»:	<b>Пайарик тумани ҳокимлиги</b>
Манзил:	Пайарик тумани Самарқанд кучаси 52 уй
ш/х:	
ОКОНХ:	97600
СТИР:	200760885
Ғазначилик бўлинмаси номи	Пайарик тумани бўйича Ғазначилиги бўлинмаси
Ғазна х/в	23402000300100001010
Банкнинг номи	Марказий банк Тошкент ш ХККМ.
МФО:	00014
Ғазначилик СТИР и	201122919
Раҳбар:	 3. Эргашев

Ҳуқуқшунос:

Лицензия № \_\_\_\_\_

берилган санаси: \_\_\_\_\_



“ТАСДИКЛАЙМАН”  
“Туман ҳокимининг биринчи  
ўринбосари, комиссия раиси

У.Олланов

Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан Пайариқ тумани Фаровон маҳалласи Беклар гузаридаги чин етимлар уйига қурилиш моллари сотиб олиш учун ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ**

Пайариқ туман

« 28 » июн 2022 й.

Раислик қилувчи

У.Олланов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Ж.Абилов

Комиссия аъзоси,

Б.Абсаломов

Комиссия аъзоси,

А.Нуруллаев

Комиссия аъзоси,

Б.Мамарахимов

Комиссия аъзоси,

У.Вахобов

Котиб, Туман ҳокимлиги хисобчиси

### КУН ТАРТИБИ:

Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан Пайариқ тумани Фаровон маҳалласи Беклар гузаридаги чин етимлар уйига қурилиш моллари сотиб олиш бўйича.

Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан 2022 йил июнда Пайариқ тумани Фаровон маҳалласи Беклар гузаридаги чин етимлар уйига қурилиш моллари сотиб олиш бўйича № 22110012104178 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 23-июндаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан Пайариқ тумани Фаровон маҳалласи Беклар гузаридаги чин етимлар уйига қурилиш моллари сотиб олиш бўйича” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан Ускуна таъмир сервис ХК корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**



1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимиغا муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимиغا жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги ҳисобчиси У.Ваҳобовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 23 июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб Ускуна таъмир сервис ХК корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


3. Қурилиш бўлимига сотиб олинаётган маҳсулотлар сифат даражаси назорат қилинсин.

### Комиссия аъзолари

Ж.Абилов




Б.Абсаломов



А.Нуруллаев



Б.Мамарахимов



У.Ваҳобов

